

## СУРХОНДАРЁ ВОҲАСИНИНГ ЎРТА АСРЛАР МЕЪМОРЛИГИДА ХУДУДИЙ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАР (ҚИРҚҚИЗ ҚАЛЪАСИ МИСОЛИДА)

*Пўлатов Ғофур Эргашович*

*Термиз муҳандислик-технология институти (ассистент)*

*Абдирахмонова Махфуза Нодир кизи*

*Термиз муҳандислик-технология институти (ассистент)*

*Бобоқулов Темурбек Рўзи ўғли*

*Термиз Муҳандислик-Технология институти стажёри*

Илк ўрта асрлар милодий V-VIII асрларни ўз ичига олади. Сурхондарё вилояти қадимги Бақтриянинг аксарият қисмини ўз ичига олган, Тохаристоннинг йирик тарихий ва маданий минтақаси таркибига кирган. VI-VIII асрларда, Тохаристон кўплаб мулклардан иборат бўлиб, улар иккита Термиз ва Чағониён дидир. Чағониён – Сурхондарёнинг ўрта оқими ва юқори қисмида, шунингдек ғарбий қисмида жойлашган ҳудудни қамраб олган ҳудудни ўз ичига олган. Чағониён номи XVII асргача ишлатилган, шундан кейин бу ном бошқа ишлатилмаган<sup>1</sup>. IX-X асрларда Шимолий Тохаристон ҳудудида энг нуфузлиси тарихий жой Чағониён ҳисобланган. Унинг марказий шаҳри Чағониён бўлиб, араб географларининг асарларида Чағониён шаҳри Шимолий Тохаристон ўлкасидаги энг йирик шаҳар ҳисобланган бўлганлиги таъкидланади. Аммо ундаги аҳоли сони Термиз шаҳри аҳолисидан оз бўлган. О.Г. Болынаковнинг тахмин қилишича, Чағониён Шаҳристонида 9-10 минг киши яшаган<sup>2</sup>.

XIII асрнинг 20-йилларида Марказий Осиё халқи Шарқда, Мўғулистонда шаклланган Чингизхон давлатининг беаёв хуружига учраган. 2-3 йил давомида Марказий Осиё, Мовароуннаҳр ва Хуросон босиб олинган, яна шаҳарлар вайрон, турли маданий бинолар, йўллар, боғу роғлар барбод бўлган, китоблар ёндирилган, халқ энди чингизийлар қарамлигига тушган, лекин бу қарамлик ва ҳуқуқсизлик узоққа чўзилмаган. Яна мустақиллик учун кураш бошланган. Мовароуннаҳр ва Хуросонда Мўғул ҳукмронлиги борган сари кучлироқ зарбага учрай борган, Самарқандда мустақил сарбадорлар давлати вужудга келган [2 б., 2-ил.].

XIV асрнинг 60-йилларидан бошлаб мўғуллар ҳукмронлигига қарши Амир Темур етакчилигидаги мустақиллик учун ҳаракат Мовароуннаҳр ва Хуросонда

<sup>1</sup> Аршавская З.А., Ртвеладзе Э.В., Хакимов З.А. Средневековые памятники Сурхандарьи. Т.: Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма 1982. – С. 21.

<sup>2</sup> Турсунов С., Пардаев Т., Қурбонов А., Турсунов Н. Ўзбекистон тарихи ва маданияти – Сурхондарё этнографияси. Т.: 2006. 18-бет.

кучли давлатнинг вужудга келиши билан яқунланган. Бир асрдан сал кўпроқ давом этган бу мустақил давлат яна илм-фан, адабиёт-санъатнинг юксалишига имконият яратган<sup>3</sup>.

Сурхондарё вилоятининг ўрта аср шаҳарлари ва аҳоли жойлари кам ўрганилган. Археологик қазиш ишлари натижасида илк ўрта асрларнинг бир қанча ёдгорликлари ўрганилган (Болаликтепа, Зангтепа, Хайрабодтепа, Чаёнтепа, Яхшибойтепа), ва бошқа ёдгорликларда деярли ҳеч қандай қазиш ишлари олиб борилмаган. Сўнгги йилларда археологлар томонидан Чағониён пойтахти Будрочтепани суратга олишган. Археологик маълумотлар ҳали батафсил маълумот учун этарли эмас, Сурхондарё вилояти шаҳарлари ва аҳоли жойлари ва уларнинг ўрта асрларда ривожланишига асосан умумий хусусиятларини бериш мумкин<sup>4</sup> [2 б., 3-ил.].

Жумолоқтепа, Болаликтепа, Кўрғон ва бошқалар квадрат ёки тўртбурчак шаклидаги қасрлар кўпинча икки қаватли бўлган. Уларнинг ички тузилиши турли хил, режалардаги кўплаб турар-жой ва иқтисодий биноларни бузиш билан тавсифланган, тантанали зални мажбурий ажратиш билан деворлари расмлар билан қопланган. Майдони 0,1 – 0,2 га. Яхшибойтепа тор кўчалар билан ажратилган турар жойлардан ташкил топган аморф тарҳли аҳоли жойлари, бу ҳудудларда – бир нечта турар-жой, шу жумладан бир нечта хоналар. Қишлоқ меъморчилиги тарҳи ноаниқлиги, деворлари бепарволик билан ажралиб туради, тантанали зал йўқ. Чаёнтепа қалин пахса ташқи девори билан ўралган баланд пештоқли платформадаги якка тартибдаги уй, ичкарида у тор йўлак билан ҳар хил турдаги биноларни ўз ичига олган икки қисмга бўлинган<sup>5</sup>.

Қирққиз қалъаси IX – X асрларга оид бўлиб, Сурхондарё вилоятининг Термиз туманида вайрона ҳолда сақланган. Обиданинг нима мақсадда қурилганлиги (қалъа, сарой, хонақоҳ, карвонсарой) ҳақида аниқ маълумот йўқ. Шунинг учун ҳам у ҳақида турли қарашлар мавжуд.

Биринчиси: маълумотларга биноан, мазкур қалъа Осиёнинг энг билимдон қизларини йиғиб, илм-фан тараққиётида ўз ўчмас ўрнини из қолдирган қирққиз академияси номига эга бўлган. Қалъанинг меъморий тузилиши ўзига хослиги билан ажралиб туради. Меъморий салоҳияти юқори бўлган қалъада ҳам дунёвий, ҳам диний билимлардан сабоқ олган қизларнинг яшаши, билим олиши ҳамда коинотни кузатишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Сурхондарё вилоятида 2004 йилдан буён фаолият олиб бораётган “Қирққиз” хайрия

<sup>3</sup> Хайруллаев М.М. Ўрта Осиёда IX-XII асрларда маданий тараққиёт (уйғониш даври маданияти). Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “ФАН” нашриёти, 1994. 12-бет.

<sup>4</sup> Аршавская З.А., Ртвеладзе Э.В., Хақимов З.А. Средневековые памятники Сурхандарьи. Т.: Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма 1982. – С. 29-31.

<sup>5</sup> Аршавская З.А., Ртвеладзе Э.В., Хақимов З.А. Средневековые памятники Сурхандарьи. Т.: Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма 1982. – С. 31.

маънавият-маърифат марказида ноёб қўлёзмалар фонди мавжуд, – дейди арабшунос олима Гулсум Хўжамшукурова: “Ушбу фондга жуда кўплаб китоблар келиб тушмоқда. Ўша китоблардан бири “Илм ун-нужум”ни таржима қилинган вариантида унда “Қирққиз” боби ҳам мавжуд. Китобда айтилишича, “Қирққиз қалъаси”га қизлар қирқта давлатдан келганлар ҳамда қирқта имтихон топшириб академияга аъзо бўлганлар. Ушбу академиянинг дорилфунун деб аталганлиги хусусида ҳам маълумотлар бор. Атамашунослардан олинган манбаларга кўра, бу ерда қизларга қирқ соҳадан сабоқ берилиб, унга Ал Ҳаким ат-Термизийнинг қизлари Рухайдаи Даврон раҳбарлик қилган”. Бундан ташқари, ҳар бир қиз қирқта соҳани ўрганиб, қирқта тилни билган. Хусусан, табобат ва илми нужум чуқур ва пухта ўргатилган”<sup>6</sup>.

Иккинчиси: “оғзаки маълумотларга кўра, халқ дostonларида зикр этилган душманлар ҳужумини қайтара олган қаҳрамон қиз Гулойим ва унинг 40 дугонаси айнан шу ерда яшашган. Шунингдек, XX асргача халқ томонидан Қирққиз



қалъаси, “Шаҳри Сомон” деб ҳам аталган”<sup>7</sup>.



Унинг ўрта асрларда Термиз шаҳрининг ташқарисида жойлашганлиги сабабли қалъа шаҳар ташқарисидаги қўрғон вазифасини ўтаганлигини кўрсатади. У дунёнинг тўрт томонига мослаб қатъий режа асосида бунёд этилган бўлиб, тўртбурчак тарҳли (53,3x54,8 м), 1 қаватли, фақат йўлаклар умумий баландликда 2 қаватли, хом ғишт (30x30x5 — 5,5 см)лардан қурилган, тоқ ва

<sup>6</sup> Назаров У.О. Қирққиз ёдгорлиги вазифаси ҳақида. Меъморчилик ва қурилиш муаммолари. Илмий-техник журнал. Самарқанд 2017 4-сон, 19-20 бетлар.

<sup>7</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.: 2005. 11-жилд. 14-бет., Нозилов Д.А., Назаров У.О. Қирққиз ёдгорлиги вазифаси ҳақида. “Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясида интеллектуал салоҳиятли ёшлар-мамлакат тараққиётининг муҳим омили” мавзусидаги XIII Республика илмий-амалий конференцияси материаллари I қисм Самарқанд. 2016.

равокларида шу ўлчамдаги пишиқ ғиштлар ҳам ишлатилган қалин девор билан ўралган (ташқи девор қалинлиги 2—2,5 м), бурчаклари ҳажмдор буржлар билан мустаҳкамланган буржлар оралиғида тоқлар билан ёпилган айвонлар жойлашган, тарзларига бир маромда такрорланувчи туйнуклар ишланган. Қалъанинг барча хоналари<sup>8</sup> (11,5x11,5 м) ўзаро йўлаклар орқали, марказий саҳн ҳовли ёки гумбазли зал билан боғланган<sup>9</sup>. Марказий саҳн (11,5x11,5 м), эҳтимол бу ҳовли бўлиб хизмат қилган<sup>10</sup>.

Айвон ва йўлаклар бинони 4 қисмга бўлган. Булар, 2 та бир хил тузилган (5 хона ва 3 томонидан ўралган йўлак, эни 2,1 м) шимолий-ғарбий ва шимолий-шарқий ҳамда 2 та жанубий-ғарбий (2 та йўлакча билан боғланган 5 та хона) ва жанубий-шарқий (йўлакча билан боғланган 2 та хона ва 3 устунли катта ва кенг меҳмонхона) қисмларидир. Йўлаклар ва хоналар девордаги туйнуклар орқали ёритилган<sup>11</sup>. Қирққиз қалъасини ёпишда балхи ҳамда ўзаро кесишган гумбазсимон тоқлар, гумбазлар, тоқлар ва равоқлар қўлланилган<sup>12</sup>.

Учинчиси: Араблар ғарб ва шарқдан босиб олинган халқларнинг жамоат биноларининг етишмаслиги сабабли, улардан ўзларига уй – жой қуришини талаб қилган. Хишам ибн Абд ал – Малику учун қурилган карвон сарой Қаср ал – Хайр аш – Шарқи (728 – 729, Сурия) ташқи девор ва ички ҳовли ўртасида устунли айвон ва кўплаб икки қаватли хоналарга эга. Сосонийлар қасрлари усулида қурилган шунақа карвонсарой арабларга жуда қўл келган.

Шунга ўхшаш тарҳли обида кейинги асрда ислом империясининг нариги бурчагида қурилган, булар, Термиз яқинидаги Шаҳри Сомон жойлашган пахсали Қирққиз кўшки. 819 йилда Сосоний фарзандлари ва набираси Бухоро пойтахти билан асосий Мовароуннаҳр вилоятларини қўлга киритди ва X асрнинг биринчи ярмида Сомонийлар давлатининг ривожланиши, юқори даражага кўтарилган. Шу пайтдаги Кўшклар тарҳи ўзининг анъанавий кўринишини сақлаб, ҳимоя (мудофаа) вазифасини йўқота бошлаган. Шу жумладан Қирққиз ҳам. Квадрат тарҳга эга 54x54 м (Месопотамия) ҳовли коридорлар билан туташган, туташтирувчи коридорлар марказий 11,5x11,5 м ҳовлига олиб борган, 4 томонда пайдо бўлган бинода 50 га яқин 2 қаватли, ва 3 устунли хоналар бор<sup>13</sup> [2 б., 11-ил.].

<sup>8</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.: 2005. 11-жилд. 13-14-бетлар.

<sup>9</sup> Нозилов Д.А., Назаров Ў.О. “Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясида интеллектуал салоҳиятли ёшлар-мамлакат тараққиётининг муҳим омили” мавзусидаги XIII Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. I-қисм. (2018 йил, 29-30 апрел). Самарқанд. 2018. 10-12 бетлар.





<sup>10</sup> Всеобщая история архитектуры (ВИА) в 12 томах. – М.: Стройиздат, 1973. Т.8. – с. 206


<sup>11</sup> Двуреченская Н.Д. История изучения терракотовой пластики Средней Азии. Российский индекс научного цитирования Science Index. М.: 2005. – С. 141.

<sup>12</sup> Г.А.Пугаченкова. Очиқ осмон остидаги музей. Т.:1981

<sup>13</sup> Назаров У.О. Қирққиз ёдгорлиги вазифаси ҳақида. Меъморчилик ва қурилиш муаммолари. Илмий-техник журнал. Самарқанд 2017 4-сон, 19-20 бетлар.

Қаср ал – Хайр аш – Шарқи ва Қирққиз арабларнинг чегаравий фарпостларига қурилишни бир типли режа асосида давом этган. Қирққиз ёдгорлиги қаср ҳам эмас, Сомонийларнинг ёзги дам оладиган жойи ҳам эмас, ёки ҳонақоҳ ҳам бўла олмайди. У халифат ишлаб чиққан тарҳ бўйича қурилган, қурилишга жалб қилинган энг яхши усталар иморат гумбазларини яратишган. Шу типдаги гумбазлар паҳсали архитектурадан ғиштли архитектурага ўтишга йўл очиб беради. Қирққиз ёдгорлиги Амударёнинг нариги томонида Аббосийларга тегишли бўлган. Араблар учун бу работ бўлиб ҳисобланган, яъни чегаравий муҳофаза бўлиб, хизмат қилган. IX – X асрларда деҳқончилик ерларининг қисқариши ва шаҳар атрофидаги чорвачиликнинг кенгайиши Марказий Осиёда кўшкларнинг қўрғонлар ва шаҳарларнинг пайдо бўлишига ва XI – XII асрлардаги йирик феодал шаҳарларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Кўшклар фақат мулкдор деҳқонлар уйлари сифатида сақланиб қолган<sup>14</sup>.

-  -2020 йилдан буён қайта тикланган қисми
-  - таклиф лойихамиз
-  - ҳозирги кунгача сақланиб қолган қисми
-  - умуман сақланмаган



<sup>14</sup> Аскарлов Ш.Дж. Генезис архитектуры Узбекистана. Т.: 2014. С-16

Хулоса қилиб айтганда, илк ўрта асрларда ислом динининг кириб келиши шаҳарсозлик ва меъморчилик иншоотларига катта таъсир ўтказди. Ўрта асрларда мақбара ва масжидлар архитектураси пайдо бўлди. Дастлаб мақбаралар бир гумбазли кейинчалик кўп гумбазли бўлиб ривожланди. Масжидлар архитектураси 3 хил усулда ривожланди. Булар хонақоҳнинг олд қисмида, хонақоҳнинг икки тарафида ва хонақоҳнинг уч тарафида устунли айвон кўринишида шаклланиб борди. Мадрасалар архитектурасида ҳовли атрофи бўйлаб жойлашган хужралар, масжидларнинг олдида жойлашган устунлар қадимги даврдаги Фаёзтепа будда ибодатхонасида ҳам шу тартибда ишлатилганлигини кўрсатди. Демак, қадимги даврда пайдо бўлган архитектура элементи кейинги даврларга ҳам ўз таъсирини ўтказган.

Ўрта асрларда Сурхондарё вилояти ҳудудида Термиз ва Чағониён шаҳарсозлиги ва меъморлиги ривожланди. Термиз шаҳри шарққа томон кўчди, Будроҳтепа эса XVI асргача Чағониённинг маркази сифатида муҳим ўрин тутган.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO`YXATI

1. Абдирахмонова М., Бобомуродова М. ЖАМОАТ МАРКАЗЛАРИНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ ЗАМОНАВИЙ ЛОЙИХА-ТАКЛИФЛАРИ //Zamonaviy dunyoda innovatsion tadqiqotlar: Nazariya va amaliyot. – 2022. – Т. 1. – №. 24. – С. 309-313.
2. Abdirahmonova M. KOKILDOR OTA XONAQONI //Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 7. – С. 334-336.
3. Абдирахмонова М. ТУРИЗМ ИНФРОСТРУКТУРАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОНАҚОҲЛАРНИНГ ЎРНИ //Eurasian Journal of Academic Research. – 2022. – Т. 2. – №. 13. – С. 1532-1535.
4. Masson V.M. Drevnyaya Baktriya. Izdatelstvo “Nauka” Leningradskoe otdelenie, 1974.
5. Temurbek Rozi og, B. (2023). DISPERS ARMATURALANGAN BAZALT TOLALI FIBROBETON TARKIBINI OPTIMALLASHTIRISH VA STRUKTURASINI O`RGANISH. *MASTERS*, 1(1), 14-18.
6. Sanjar, J. (2023). DEVELOPMENT OF CULTURE AND ENTERTAINMENT PARKS. *American Journal of Pedagogical and Educational Research*, 9, 49-52.
7. Жураев, С., & Тураев, Ш. (2023). ДВУХПОЯСНЫЕ ПРЕДВАРИТЕЛЬНО НАПРЯЖЕННЫЕ СИСТЕМЫ. *IJODKOR O'QITUVCHI*, 3(29), 77-81.
8. Жураев, С., & Сатторов, К. (2023). ТЕРМИНОЛОГИЯ И КЛАССИФИКАЦИЯ ВИСЯЧИХ И ВАНТОВЫХ МОСТОВ. *Innovations in Technology and Science Education*, 2(9), 197-206.
9. Nusratov, J. (2023). TABIIY VA MAYDALANGAN ESKI BETONLAR ASOSIDA OLINGAN TO'LDIRUVCHILARDAN OLINGAN BETON

- MUSTANKAMLIGI. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 33(2), 68-75.
10. Жураев, С., & Беккамов, М. (2022). КЛАССИФИКАЦИЯ ВИСЯЧИХ МЕТАЛЛИЧЕСКИХ КОНСТРУКЦИЙ (ТРОСОВЫХ И МЕМБРАННЫХ) ПОКРЫТИЙ. O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI, 2(14), 997-1002.
  11. Жураев, С., & Сатторов, К. (2023). Расчет Тросовых Висячих Покровтий В Пк Лира. Periodica Journal of Modern Philosophy, Social Sciences and Humanities, 16, 119-123.
  12. Жўраев, С. (2023). АЛИШЕР НАВОИЙ ДАВРИ ИМОРАТЛАРИНИНГ АРХИТЕКТУРАСИ. O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI, 2(16), 142-146.
  13. Nusratov, J. (2024). BETON UCHUN ISHLATILADIGAN MATERIALLARNING FIZIKMEХАНИК ХОССАЛАРИ. *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 37(2), 22-28.
  14. Турсунов С., Пардаев Т., Қурбонов А., Турсунов Н. Ўзбекистон тарихи ва маданияти – Сурхондарё этнографияси. Т.: 2006.
  15. Аҳмедов М.Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. Т.: “Ўзбекистон” 1995.
  16. Аршавская З.А., Ртвеладзе Э.В., Хакимов З.А. Средневековые памятники Сурхандарьи. Т.: Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма 1982.